## ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИ

# СОВЕТ ВА ХЎЖАЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА УЙ-ЖОЙ ВА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ҚУРИЛИШ ПРОГРАММАСИНИ БАЖАРИШНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ИШИ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Боши иккинчи бетда).**

Ишлаб чиқариш натижалари қурувчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларига, уларнинг малакасига, уй-жойлар ва социал объектлар билан таъминланганликларига бевосита боғлиқдир. Ҳозирча эса бунда ҳал этилмаган муаммолар кўп. Қурилиш ташкилотлари коллективлари социал ривожлантириш борасидаги ишларни кескин кучайтиришлари лозим. Маҳаллий Совет ва партия органлари уларга амалий ёрдам беришлари керак.

Уй-жой муаммоси узоқ вақт мобайнида асосан давлат маблағлари ҳисобига ҳал этиб келинди. Айни вақтда якка тартибдаги ва кооператив уй-жой қурилишини ривожлантиришга зарур эътибор берилмади.

Ваҳолонки, якка тартибдаги ва кооператив уй-жой қурилишини кенгайтириш, деб таъкидлади сўнгра докладчи, уй-жой муаммосини ҳал этишнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Докладчи якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантириш йўлларига батафсил тўхталиб, партия Марказий Комитети билан ҳукумат якка тартибдаги уй-жой қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида яқинда қабул қилган қарор асоссиз чеклашларни бартараф этибгина қолмай, шу билан бирга якка тартибда иморат қурувчиларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашни ҳам кўзда тутади, деб таъкидлади. Беш йиллик охиригача якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳажмини камида икки баравар кўпайтириш учун барча чора-тадбирларни кўриш керак.

Катта ва ўртача шаҳарларда кооператив қурилиши муҳим йўналиш бўлиб қолиши лозим. Шу беш йилликнинг ўзидаёқ асосан хоҳловчиларнинг ҳаммаси турар жой қурилиши ва уй-жой кооперативларига аъзо бўлиб кира олишларига интилиш керак.

Якка тартибдаги ва кооператив қурилиш — уй-жой муаммосини жадаллик билан ҳал этишнинг ғоят катта резервидир. Зотан, ана шу резервдан ҳар томонлама фойдаланиш — аввало, маҳаллий Совет ва хўжалик органларининг вазифасидир.

Сўнгра докладчи ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш каби муҳим масалаларга, уй-жойлар қимматининг ўсишининг олдини оладиган чора-тадбирларга тўхталиб ўтди. Уй-жой қурилиши ҳажмларини ошира бора туриб, мавжуд уй-жой фондининг сақланиши тўғрисида ҳам унутмаслик керак, деди у.

Коммунал соҳада деб таъкидланди сўнгра докладда, туб силжишларни амалга ошириш, бу соҳани моддий-техника ресурслари билан таъминлашни анча яхшилаш зарур. Корхоналарнинг меҳнат коллективларини ҳамда аҳолини уй-жой бинолари, коммунал хўжалик ва социал-маиший объектларни яхши ва намунали сақлашга, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга кенг жалб этиш керак.

Қурилишнинг моддий-техника базасини ривожлантириш масалалари чуқур таҳлил этилди. Кейинги 10—12 йил мобайнида қурилишнинг моддий-техника базаси амалда ривожлантирилгани йўқ ва беш йиллик бошига келиб қурилишнинг кескин авж олиб кетган миқёсларига мутлақо мос келмай қолди.

Шу боисдан беш йиллик давомидаёқ қурилишнинг моддий-техника базасини жадал ривожлантиришни таъминлаш зарурати юзага келди. Ҳозир уй-жой ва социал қурилиш муаммоларини ҳал этиш калити мана шундан иборат. 1987 йилда СССР Министрлар Советининг тегишли қарорлари мажмуаси қабул қилинди. Цемент ишлаб чиқарувчи қувватларни кўпайтириш, яхлит уйсозликнинг янги махсус тармоғини вужудга келтириш, социал объектлар қурилишини индустрлаштириш даражасини ошириш, ғишт, деворбоп блоклар, керамзит, бошқа маҳаллий материаллар ишлаб чиқаришни анча ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Материал билан таъминлаш масалалари қурилишнинг барча соҳаларида кескин бўлиб қолмоқда. Шу сабабли бинокорлик материаллари ва қурилиш индустрияси корхоналарининг мавжуд қувватларидан фойдаланишни яхшилаш ғоят муҳимдир. Капитал қурилиш планларининг материал ресурслари билан мутаносиблиги ресурсларни тежашга доир жиддий чораларсиз таъминланиши мумкин эмаслиги қайд этиб ўтилди. Барча министрликларда идораларда, қурилиш ташкилотларида тежамкорлик программалари ишлаб чиқилган. Аммо улар ҳамма жойда ҳам бажарилаётгани йўқ. Илғор тажрибадан ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан етарлича фойдаланилмаяпти. Ички ишлаб чиқариш хўжалик ҳисобига ва харажатларни ҳисоб-китоб қилишнинг чек системасига фаолроқ амал қилиш керак. Улгуржи савдони ривожлантириш қурилишнинг моддий-техника ресурслари билан мутаносиблигида ва уларни бир маромда етказиб беришда муҳим воситадир.

Мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш тегишли территорияда бутун социал-маданий қурилишга раҳбарликда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг роли кучайтирилишини кўзда тутади. Эндиликда пул билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан ва қайси идорага бўйсинишидан қатъи назар, уй-жойлар ҳамда социал объектлар қурилиши планлари жойларнинг ўзида тузилади.

Социал ривожланиш учун маҳаллий органларнинг масъулиятини ошириш билан айни бир вақтда уларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигини реал равишда кенгайтиришга қаратилган мана шу муҳим тадбирлар икки йилдан буён амал қилиб келмоқда. Аммо уларни ҳамма жойда ҳам тўла-тўкис рўёбга чиқаришга муваффақ бўлингани йўқ. Энг асосий зиддият шундаки, бир қанча регионларда ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган қурилишни пул билан таъминлаш имкониятлари ва қурилиш ташкилотларининг қувватлари беш йиллик планда кўзда тутилганига қараганда кўпроқ ишларни бажаришга имкон беради, аммо бунда моддий ресурслар чекланган-дир.

Афтидан, 1989 йилги планни тузишдан бошлаб республикаларга уй-жойлар қурилиши программасини беш йиллик топшириқларидан ошириб қабул қилиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқ бўлса керак. Бунда моддий ресурсларга бўлган қўшимча талаб-эҳтиёж маҳаллий манбалар ва бевосита алоқалар ҳисобидан қопланиши шарт. Биз бугун уй-жой ва социал қурилиш муаммосини қандай позицияда туриб кўриб чиқмайлик, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш энг муҳимидир, деди докладчи.

Биз уй-жой ҳамда маданий-маиший объектлар қурилиши ҳажмларини кўпайтириб бориш билан бирга шаҳарларимиз ва қишлоқларимизнинг меъморий қиёфасини ўзгартиришимиз, қурилишларнинг кўримсизлиги ва бир хиллигидан воз кечишимиз, қурилишнинг сифатини кескин оширишимиз лозим. Оммавий қурилиш объектларининг архитектураси халқ меъморчилигининг ва манзарали санъатнинг миллий ҳамда регионал анъаналар билан боғланган ўзига хос алоҳида хусусиятларни касб этиши керак. Шаҳар қурилиши комплексларини, айниқса, тарихий ва меъморий қимматга эга бўлган районлар бўйича лойиҳалаштириш конкурс асосида олиб борилиши ҳамда жамоатчиликнинг муҳокамасига қўйилиши керак.

Пировардида докладчи бундай деди:

СССР Олий Советининг сессиясида уй-жой ҳамда маданий-маиший қурилишнинг аҳволи муҳокама этилганлиги, қабул қилинадиган қарорлар социал қурилишни яна ҳам юқорироқ даражага кўтариш, ўн иккинчи беш йилликда ўртага қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш, 2000 йилгача амалда ҳар бир совет оиласини уй-жой ёки квартира билан таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор яратиш, ривожланган социал инфраструктурани вужудга келтириш имконини беради.

**(ТАСС).**

---

## АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ: *қайта қуриш тажрибасидан*

# ЕР, ҲОСИЛ, ФОЙДА

Мен 1982 йилда совхозга ишга келганимда хўжалик анча ночор эди. Совхознинг давлат олдидаги қарзи 835 минг сўмга етган, суғориладиган ерлар ҳосилдорлиги, чорва маҳсулдорлиги жуда пасайиб кетган эди. Аҳвол билан танишгач, шундай хулосага келдим: хўжаликни оёққа турғазиш мумкин. Лекин қандай йўл билан буни тезлаштириш лозим? Мана шу энг муҳим масала эди.

Кўпинча, янги жойда ишни кадрларни алмаштиришдан бошлашади. Бир томондан бу ҳам тўғри. Чунки юз берган аҳволда уларнинг айби бор. Лекин мутахассисларни тўғри йўлга солиш, тарбиялаш янада кўпроқ фойда келтириши мумкин. Чунки уларга бу ердаги вазият янги келадиган мутахассисга нисбатан яхшироқ маълум-ку! Шунинг учун мен аввало одамлар, етакчи мутахассислар, ўрта бўғин кадрлари билан суҳбатлашдим. Уларнинг фикрини ўргандим. Биласизми, хулосам тўғри чиқди. Улар ўз ўрниларида ишлаш истагида эдилар.

Биринчи галда интизомни мустаҳкамлаш, кишиларнинг ўз вазифасига бўлган муносабатини, масъулиятини ўзгартириш учун ҳаракат қилдим. Буни, аввало, етакчи мутахассислардан, бригада бошлиқларидан талаб қилдик. Тез орада бу иш принципи фақат совхоз дирекциясининг эмас, бригада бошлиқларининг ҳам иш усулига айланди. Ҳар ҳолда айтилган вазифа, белгиланган тадбирлар бирмунча пухта амалга оша бошлади.

Баъзан бизга арзимаган бўлиб туюлган айрим нарсалар ҳам жуда катта муаммоларни келтириб чиқаради. Масалан, кишиларнинг ишга бўлган муносабатини олиб кўрайлик.

Бир куни далада шундай воқеа рўй берди. Картошка пишиб етилган кезлар эди. Бригада бошлиғи икки прицеп ҳосилни топшириш учун олиб кетди. Икки кундан сўнг идорага қоғозни кўтариб келди. 3,5 тонна чиққан эмиш. Ахир бир прицепдаги картошка камида 4 тонна чиқиши ёш болага ҳам маълум-ку! Бригадирнинг айбини юзига шартта айтдик. Афтидан, у энди мени ишдан бўшатишади, деб ўйлади. Лекин биз одамлар олдида уни муҳокама қилдик. Айримлар ишдан бўшатишни таклиф қилишди. Лекин биз унинг сабоқ чиқарганлигини билиб, ўз ўрнида қолдирдик. Ҳозир эса ана шу ўртоқ бошчилик қилаётган бригадада сабзавот ва озуқа экинларидан юқори ҳосил олинмоқда.

Шундай қилиб, одамлар орасида ҳам ташмачилик кайфияти йўқола бошлади. Улар меҳнатларига яраша мўмай даромад қила бошладилар. Мана икки йилдирки, барча тармоқда меҳнатни ташкил этишнинг бригада пудрати формаси қўлланилиб келинмоқда. Совхозда биронта бригада бошлиғини ёки совхоз ишчисининг, соғувчининг ёки молбоқарнинг устидан назорат ўрнатиш шарт эмас. Уларнинг ҳар бири ўз ишини пухта билади. Иложи борича унумли ва сифатли меҳнат қилиб, кўпроқ маҳсулот олиш учун курашади. Албатта, вақтида дам ҳам олишади.

Хўжалигимизга тааллуқли рақамларни келтириб ўтирмоқчи эмасман. 1987 йилда ҳамма соҳада белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни ошириб бажардик. Агар дастлабки, яъни 1982-1983 йилга солиштирадиган бўлсак, ҳар бош соғин сигирдан сут соғиб олиш 1500 килограммдан 3051 килограммга кўтарилди. Беда ҳосилдорлиги 100 центнердан 170 центнерга етди. Лавлагининг гектаридан 300—350 центнер ўрнига 800 центнердан ҳосил олдик. Айрим бригадаларда бу рақам минг центнерга етди. Ўша йилларда 823 гектар ерда деҳқончилик қилиниб, салкам 1 миллион сўм зарар кўрилган бўлса, ҳозир 765 гектар майдонга экинлар экилиб, соф фойдани ошириб боряпмиз. Ўтган йили 536 минг сўм соф фойда олдик. Ўтган давр ичида давлат олдидаги қарздан қутилдик, ҳозир банкда нақд 1 миллион 150 минг сўм пулимиз бор.

Албатта, бу рақамлар замирида юқорида таъкидлаганимдек, хўжалигимизда меҳнат қилаётган 527 кишининг ўз улуши бор. Уларнинг оқилона меҳнатлари туфайли эришилаётган натижалар салмоқли бўлиб боряпти.

Маълумки, совхозимиз асосан озуқа экинлари уруғини етиштиришга ҳамда чорвачиликка ихтисослашган. Ҳозир кўпчилик бизнинг қандай қилиб озуқа экинларидан мўл ҳосил олаётганимиз ҳамда чорва маҳсулдорлигини ошириб бораётганлигимиз билан қизиқмоқда. Қуйида айрим энг муҳим омиллар тўғрисида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бедани олиб кўрайлик. Ҳар йили биз уни камида олти марта тўлиқ ўрамиз. Қандай қилиб? Биринчидан, бизда беда оралиғи 70 сантиметрлик эгат олиниб экилади. Бунинг қулайлиги шундаки, уни бемалол озиқлантириш, суғориш мумкин. Ҳар бир ўримдан сўнг культивация ўтказамиз, озиқлантириб, суғорамиз. Қарабсизки, ўрим оралиғи 5—6 кунга қисқариб, турипти. Иккинчидан, беда ҳосилдорлигини оширишда уни тўғри ўришнинг аҳамияти катта. Бу янгилик эмас. Чунки бу ҳақда кўп гапирилади. Аммо ўришнинг ўришдан фарқи бор. Масалан, биз илгарилари бедани КИР—1,5 да ўрар эдик. Буни қарангки, у бедани илдизи билан юлиб кетаркан. Натижада бедазорлар ўримдан ўримга сийраклашиб, ҳосилдорлиги пасайиб кетарди. Ҳозир КУФ — 1,8 такомиллашган машинадан фойдаланяпмиз.

Бир неча йил бурун маслаҳатлашиб, ҳар бир механизаторни биттадан бригадага бириктириб қўйишга қарор қилдик. Бу механизаторга ҳам иш ҳақи ана шу бригадада олинган ҳосил, пировард натижага қараб тўланадиган бўлди. Буни қарангки, тракторчиларнинг ишга бўлган муносабати тубдан ўзгариб кетди. Машина ва механизмлардан фойдаланиш даражаси тўрт-беш баравар ортди. Энг муҳими ишнинг сифати юқори бўлмоқда. Бунинг сабаби бор. Бизда механизаторнинг ўзи бир майдонни ҳайдайди, экади, ишлов беради, ҳосилини йиғиб-териб олади. Шунинг учун бирон тадбирнинг сифатсиз ўтказилиши эртага унинг ўзига ва шерикларига жуда катта зиён келтиришини улар яхши билишади.

Мен юқорида хўжалигимизда бригада ва оила пудрати усулларининг кенг оммалашганлиги ҳақида тўхталдим. Бизда ҳам меҳнатни ташкил этишнинг бу формалари деярли барча хўжаликлардаги сингари олиб борилмоқда. Фарқи шундаки, совхозимизда ҳамма—директордан тортиб оддий ферма қоровулигача эришилаётган натижага қараб ҳақ олади. Ишни қойил қилиб, мўл ҳосил олдингми, даромадинг ҳам ошаверади. Бунга ҳамманинг ишончи комил.

Ишни илғор усулда, оқилона ташкил этиш, озуқа экинлари ҳосилдорлигини кескин ошириш имконини берди. Сўнгги икки йил ичида суғориладиган ерлар самарадорлиги икки-уч баравар кўтарилди. Ҳар гектар ердан ўртача 9,6 тонна озуқа бирлиги олинмоқда. Ўтган йили бир центнер беда пичани 2 сўм 48 тийин ўрнига 1 сўм 70 тийинга, лавлаги 3 сўм 65 тийин ўрнига 2 сўм 80 тийинга, силос эса 1 сўм 11 тийинга тушди.

Мўл, сифатли озуқа тўплагандан кейин уни сифатли сақлаб, самарали фойдаланиб маҳсулот олиш керак. 1987 йилда ана шуни кўзлаб сутчилик комплексимизда 1300 тонна хашак сақлашга мўлжалланган бостирма қурдик. Бу хашакхона 50 минг сўмга тушди. Бу озгина пул эмас. Лекин ҳисоблаб чиқсак, жамғарилган пичан очиқда турганда ундаги витаминлар йўқотилар экан. 20 процент озуқа эса ёғин-сочинда чириб, исроф бўларкан. Мана шунинг ўзиёқ қанча-қанча маблағ, меҳнатни ҳавога совуриш билан баробар. Янги хашакхонада эса озуқани истаган муддатгача сақлашимиз мумкин. Яна бир энг муҳим томони шундаки, бино шундайгина озуқа цехига туташ қурилди. Бундан ташқари унинг бўйи 48, эни 24, баландлиги 12 метр бўлиб, бино ўртасида ҳеч қандай устун ёки тўсиқлар йўқ. Шунинг учун техника бемалол ҳаракат қилади. Ҳамма иш машинада бажарилади.

Ўрни келганда озуқа цехи ҳақида тўхталиб ўтиш керак. Уни ҳам ўз кучимиз билан 1986 йилда ишга туширдик. Биз ҳозир четдан ҳеч қанақа озуқа сотиб олмасдан туриб, бу ерда ем-хашак тўйимлилигини икки-уч баравар ошириб, молларга тарқатяпмиз. Ҳисоблаб чиқдик. Цехдан самарали фойдаланиш туфайли озуқа исрофгарчилиги кескин камайди, қорамоллар маҳсулдорлиги ошди.

Бу цехни ҳам дастлаб пудратчи ташкилотларга жиҳозлаш ва ишга тушириш учун бермоқчи бўлдик. Унда 200—250 минг сўм сарфлаш керак бўлар экан. Сўнгра ўз кучимиз билан ишга киришдик. Цехни тўлиқ тайёрлаш учун бор-йўғи 7 минг сўмгина пул кетди, холос.

Бир неча йилдан буён озуқани консервациялаш ҳақида гапирилмоқда. Очиғи, бу усул бизга ҳам маъқул бўляпти. Ҳар йили жавдар, рапс, тритикале сингари оралиқ экинларидан олинаётган кўк масса кимёвий моддалар қўшиб консервация қилинади. Қишловга 3 минг тоннадан ортиқ ана шундай озуқа тайёрладик. Унинг тўйимлилиги жуда юқори, таннархи эса арзон. Буларнинг ҳаммаси арзимаган сарф-харажат билан катта самара олиш имконини бермоқда.

Соғин сигирлар маҳсулдорлигини йилдан-йилга ошириб бораётганлигимизнинг энг муҳим бир омили бор. Бу селекция-наслчилик ишларига катта эътибор берилаётганлигидир. Ҳозир фермада «селекс» системасини амалга ошираяпмиз. Бунинг маъноси шуки, ҳар йили кам маҳсулли сигирлар ўрнини ўзимиздаги сермаҳсул сигирлардан олинган зотли ғунажинлар ҳисобига тўлдириб борилади. Ҳар йили ана шу усул билан 60—70 бош сигир алмаштирилмоқда. 1988 йилдан бошлаб ферманинг ўзида сунъий урчитиш лабораториясини ишга туширмоқчимиз. Яъни ферманинг ўзида зотдор буқалардан уруғлик олиниб, тайёрланиб, сигирлар урчитилади. Хуллас, бу системанинг хусусияти шундаки, биринчидан, йилдан-йилга сигирлар насли яхшиланиб, маҳсулдорлиги ортади, иккинчидан, улар қисир қолмайди. Бунга биргина мисол. 1984—1985 йилларда ҳар 100 бош сигирдан 50—60 та бузоқ олинган бўлса, ҳозир 85—90 бошга етди.

Фақатгина пухта ҳисоб-китоб билан иш юритиш хўжалик экономикасини мустаҳкамлайди. Совхозимизда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, ўз-ўзини қоплаш ва тўла хўжалик ҳисоби асосида иш юритишга пухта тайёргарлик кўряпмиз. Бу соҳадаги резервларни излаб топяпмиз.

Ўтган йили фермадан сутни ташиб кетиш бўйича сут заводи билан шартнома туздик. Ҳозир заводдан келаётган машиналарнинг ўз одамлари маҳсулотни қабул қилиб олишади. Шундай қилиб, совхознинг сут ташийдиган машинаси ишдан озод қилинди. Бу хўжаликка бир йилда 10 минг сўмни иқтисод қилиш имконини берди.

Биз бир неча йилдирки, сутни совутиб, заводга топширамиз. Ана шунинг ҳисобига ҳар тоннасига 10 сўмдан ҳақ оламиз. Ўтган йили 17 минг 600 сўм қўшимча даромад қилинди. Шундан 4,5 минг сўмини сарф-харажат қилдик, қолгани эса нақд фойдадир. Умуман, чорвачиликдан 324 минг сўм соф фойда олинди. Ҳозир сут ва гўшт таннархини арзонлаштириш учун курашяпмиз.

Фермада соғувчилар икки сменада ишлашяпти. Бу иш усулининг қулайликлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Масалан, илгарилари бирор соғувчи бетоб бўлиб ёки бошқа сабаб билан ишга келолмай қолса, унга қарашли сигирларни соғиб олиш мушкул бўлиб қоларди. Ҳозир эса пудратчи бригада аъзоларининг ўзлари бу масалани гап-сўзсиз ҳал этишмоқда.

Биз сўнгги йилларда фермада одамлар учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозир 4 та дам олиш хонаси, кутубхона улар хизматида. Душхона, сауна ишлаб турибди. Чорвадорлар саломатлиги алоҳида назорат қилинмоқда. Фермада дорихона, физиотерапия кабинети бўлган медицина пункти бор. Спорт майдончаси жиҳозланди.

Ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йилида совхозимиз меҳнаткашлари янада баракали меҳнат қилишга, мавжуд муаммоларни бартараф этиб, ҳамма соҳада салмоқли натижаларга эришишга астойдил бел боғлашган. Қишловни муваффақиятли якунладик. Дала ишларини авж олдириб юбордик. Эртаги сабзавот ва озуқа экинлари ҳосили мўл бўлмоқда. Хуллас, ҳамма иш мўлжалдагидек боряпти.

**Ф. СУЛТОНБЕКОВ,**
**Калинин районидаги «Иваново» совхози директори.**

---

ЛЕНИН КОМСОМОЛИНИНГ 70 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИ ОЛДИДАН

## Икки ой илгарилаб кетишди

ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатининг комсомол-ёшлар бригадалари ўртасида Ленин комсомолининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг қулоч ёйган. Беллашувда қатнашаётганлар юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилишмоқда. Жумладан, руҳ заводининг В. Федосеев бошлиқ сменаси юбилейгача пландагига қўшимча ўнлаб тонна руҳ ишлаб чиқариш, 20 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаш юзасидан берган ваъдасини шараф билан удаламоқда. Электролит цехининг Ф. Салахиев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси эса 10 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаш ниятида С. Гушин етакчилигидаги бригада аъзолари фидокорона ишлаб, календардан икки ойдан ортиқроқ илгарилаб кетишди. Улар ҳозир 1988 йилнинг июль ойи ҳисобига маҳсулот топширяптилар.

## ПУДРАТ ЁРДАМ КЎРСАТМОҚДА

**✦ «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги 26-механика-йиғув цехининг Мирвоҳид Юсупов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллектив пудрат резервларидан тўла фойдаланмоқда. Коллективда меҳнат унумдорлиги йил бошидан бери 9 процент ошди. Ишларни жадал суръатларда бажариш маҳсулот сифатига таъсир қилмади. Давлат қабули хизмати М. Юсупов бригадаси топшираётган юзта буюмдан фақат биттасини қайтармоқда. Бу заводда энг яхши кўрсатгичдир. Бригаданинг барча аъзолари пировард натижадан манфаатдорлар. Чунки улар ягона наряд асосида ишлайдилар. Улар бир-бирларининг вазифаларини бажара олишлари туфайли камроқ одам ишлайдиган бўлди. Комсомоллар бирлашма бригадалари ўртасида ўтказиладиган социалистик мусобақада йил сайин совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Ёш тракторсозлар ВЛКСМ 70 йиллигига бағишланган меҳнат мусобақасига фаол қўшилдилар. Улар Ленинграддаги «Кировский завод» бирлашмасидаги В. Яров бошлиқ илғор бригадани социалистик мусобақага чақирдилар. Мамлакат комсомоли юбилейи арафасида меҳнат беллашувига якун ясалади.**

**(ЎзТАГ).**

## КОЛХОЗ ШОФЕРИ

БЕРКИН ака Раззоқовнинг қўллари 23 йилдан бери рулда. Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозининг машина-трактор паркида ишламоқда. У бошқараётган ГАЗ-51 маркадаги машинаси билан хўжалик коллективининг оғирини енгил қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Юкларни белгиланган манзилларга муддатида элтиб беради. Ёнилғи ва эҳтиёт қисмлардан тежаб-тергаб фойдаланади.

Беркин ака Раззоқовни колхозда мураббий сифатида ҳам яхши билишади. Ҳозирги кунда ундан машина бошқаришни ўрганган Суннат Тасиров ва Ашимхон Раззоқов каби шогирдлари устоз қаторида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Беркин аканинг саккиз фарзандидан бири Байдилла ҳам отаси изидан бориб, ҳайдовчилик касбини эгаллади.

Тажрибали ҳайдовчи Беркин ака Раззоқов ҳамон ўз машинасини моҳирона бошқармоқда.

**Л. МАНСУРОВ.**

---

МАКТАБ ИСЛОҲОТИ АМАЛДА

## СЕМИНАРДА ФИКРЛАШИШДИ

Яқинда Паркент районидаги ўрта мактаблар география ўқитувчиларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтидан педагогика фанлари кандидати П. Мусаев ҳамда Тошкент Давлат университетининг география таълими методикаси кафедраси доценти Ў. Абдиназаров иштирок этдилар. Кенгашда, шунингдек райондаги бир қатор мактабларнинг тарих ўқитувчилари ҳам қатнашдилар.

Семинар иштирокчилари дастлаб 29-мактабда география ва тарих дарсларининг ўқитилиш савияси билан танишдилар, уларнинг тажрибаларини ҳам ўргандилар.

Районда ҳар ўқув йили якунида турли предметлар бўйича мактаблараро мусобақалар ўтказиш ҳам одат тусига кирган. Бу сафарги—29-ўрта мактабнинг «Карпат» ва 13-ўрта мактабнинг «Урал» командаси қатнашчилари географиядан олган билимлари бўйича беллашувларида семинар иштирокчилари ҳам қатнашиб, ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

КПСС Марказий Комитетининг февраль (1988 йил) Пленуми қарорларига мувофиқ ўқитишнинг самарадорлигини ошириш, ҳар бир география ўқитувчисининг ижодий қирралари қандай бўлишлиги ҳақида П. Мусаев доклад қилди. Ў. Абдиназаров эса ҳозирги кунимизнинг энг долзарб муаммоларидан бўлган экология тўғрисида сўзлаб берди.

Сўнгра тарих фани ўқитувчилари Ўзбекистон тарихининг ўрта мактаб программасидаги салмоғи ва мазмунидан кўнгиллари тўлмаётганлиги, аниқроғи ўлкамиз тарихини пухта ўрганишга етарли аҳамият берилмай келинаётганлиги, унга ажратилган дарс соатлари камлиги ҳақида куйиниб гапирдилар.

Семинарда 29-ўрта мактабни оталиққа олган Ўзбекистон Фанлар академияси «Қуёш» илмий ишлаб чиқариш комплексининг директори И. Пирматов шу комплексда ишлайдиган кадрлар тайёрлаш мақсадида қизиқувчан ва қобилиятли ўқувчиларни тўгаракка жалб қилиш масаласини ўртага ташлади.

Бу семинар география, тарих фанларини ўқитиш борасида янги таклиф ва истаклар, мулоҳазалар очиқ-ойдин баён этилган ўзига хос тажриба мактаби бўлди.

**Ҳ. НОРМУҲАМЕДОВ,**
**Тошкент область ўқитувчилар малакасини ошириш институти география кабинетининг мудири, СССР География жамиятининг ҳақиқий аъзоси.**

---

## ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

**Сўнгги соатда**

✦ ВАШИНГТОН. Президент Рейган ЮСИА агентлигининг «Уорлднет» телетармоғи орқали гапирди. У шу йил мобайнида СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш тўғрисидаги шартнома тузилишига эришилади, деб ишонч изҳор этди. «Биз, деди у, Вашингтонда ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган олий даражадаги учрашув чоғида ўртача ва камроқ олислик ракеталари тўғрисидаги тарихий шартномани имзолашдек тарихий натижанинг гувоҳи бўлиб турибмиз, бу шартнома тарихда биринчи марта Америка ва Совет ядро ракеталарининг бутун бир туркумини тугатишга олиб келади».

●

✦ КОБУЛ. Афғонистон республикаси ташқи ишлар министрлиги БМТнинг Кобулдаги кузатувчилар группасига расмий нота топширди. Бу нотада сўнгги кунларда Покистон территориясидан Афғонистондаги ҳукуматга қарши гуруҳларга қурол-яроғ ва ўқ-дори етказиб бериш кескин кўпайганлигига эътибор қаратилди. Айни вақтда экстремистларга қурол-яроғни жанговар ҳаракатлар олиб бориш усулларини ўргатиш мақсадида чет эллик ҳарбий маслаҳатчилар ва мутахассисларнинг Афғонистонга ғайри-қонуний тарзда суқилиб кириш ҳоллари учраётганлиги таъкидланади. Афғонистон ҳукумати Покистон маъмурларидан Женева битимларига аниқ ва оғишмай риоя этишни талаб қилди. Бу Афғонистон республикаси БМТнинг кузатувчилар группасига шу масала хусусида топширган тўртинчи нотадир.

●

✦ АДДИС-АБЕБА. Шарқий ва Жанубий Африка учун тузилган преференция савдо зонаси правлениесининг Эфиопия пойтахтида сешанба куни бўлган навбатдан ташқари мажлисида Жанубий Африка республикасига қарши иқтисодий жазо чораларини кўриш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди, деб хабар беради ЭНА агентлиги. Преференция савдо зонасининг правлениеси мазкур ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларга ЖАР билан савдо-сотиқни қисқартириш ва ушбу зонага аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида савдони кенгайтиришни таклиф этди.

●

✦ ГАВАНА. Гондурас пойтахтидаги АҚШ элчихонаси биноси олдида ўтган ойда бўлган Америкага қарши намойишда иштирок этганликлари учун қамоққа олинган 14 киши очлик эълон қилди. Тегусигальпадан олинаётган хабарларга қараганда, ана шу маҳбуслардан бири қамоқхонада учрашув чоғида маҳфий тарзда ташқарига олиб чиқилган хатда маҳбуслар ўзларини сиёсий маҳбуслар деб эълон қиладилар ва ўзларига озодлик бериш тўғрисида қарор қабул қилинмас экан, очликни давом эттираверадилар, дейилади. Уларнинг барчасига «АҚШ элчихонасига ҳужум қилишда иштирок этган» деган айб қўйилмоқда.

**(ТАСС, 25 май).**

**Сўнгги соатда**

